

**ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ ВА ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИ БИЛАН  
БОҒЛИҚ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УЧУН ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ****Фируз Туйғунович Рашидов**

*Ўзбекистон халқаро ислом академияси катта ўқитувчиси,  
Тошкент давлат юридик университети мустақил изланувчиси  
[rashidov77@mail.ru](mailto:rashidov77@mail.ru) тел: 998976140*

Ўзбекистон Республикасида аҳолининг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириб бориш, қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш замонавий давлатчиликнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда сўнгги йилларда миллий ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш, ёшларимизнинг виждон ва эътиқод эркинлигига оид билимларини ошириш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда.

Дунёдаги бугунги глобал ўзгаришлар шароитида жамият институтлари ўртасида дин ўзининг ижтимоий функцияларини бажариш билан бир қаторда янги ташкилий-ҳуқуқий, ижтимоий-маданий ва ижтимоий-сиёсий мазмунга эга бўлиб бормоқда. Кишилиқ жамияти ривожининг бир босқичи бўлган фуқаролик жамияти тараққиётида диннинг ўрни ва аҳамияти шахсларнинг жамиятдаги ижтимоий ҳуқуқ-атвори ва диний қадриятларнинг уларга таъсир қилиш даражаси билан белгиланади. Бу феноменологик маъно ва қадриятларда акс этади. Давлатлар томонидан виждон эркинлиги принципига риоя қилиш доирасида диннинг умуминсоний маънода ижобий салоҳияти инкор қилинмайди. Аммо муайян воқеликда аксарият “кучлар”, “ҳаракатлар”, “оқимлар” томонидан уни сиёсийлаштириш орқали цивилизацияларaro тўқнашувлар, экстремистик ва террористик ҳаракатларни содир этишнинг асоси сифатида кўрсатиш ҳолатлари ҳам учрамоқда. Бу дунёда содир бўлаётган воқеаларни юзаки тушуниш бўлиб, ижтимоий онг ва дунёқарашдаги муайян чекланганликни намоён қилади. Ваҳоланки, дин бугунги воқеликларда фуқароларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, ўзининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни чекловчи манбалари билан бирга одамлар онгига таъсир этиш имкониятини намоён этади.

Мустақил Ўзбекистон Республикасида ўтган асрнинг 90-йилларида жамиятда ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар жараёнининг бошланиши билан фуқаролик жамияти институтлари, биринчи навбатда, давлат ва дин ўртасидаги муносабатлар, шунингдек, виждон эркинлиги ва унинг халқаро ва миллий ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга оид масалалар кун тартибига чиқди. Ушбу масалалар тарихий ва маданий характер касб этиши билан бирга, давлат ва жамият ҳаётининг сиёсий, ҳуқуқий ва мафкуравий жиҳатлари муаммоларини ҳам юзага чиқарди.

Халқимизнинг ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти куриш йўлидаги интилишлари халқаро ҳуқуқнинг умумеътироф этилган нормаларини тан олиш билан бирга миллий давлатчиликнинг асрлар оша шаклланган ва сайқалланиб келган маънавий меросини ҳам ҳаётга татбиқ этиш заруратини тақозо этди.

Ўзбекистон Республикасининг Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонуни қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилигида виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар фаолиятини амалга ошириш учун ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий кафолатлар тўғрисидаги қоидалар билан бир қаторда фуқароларнинг виждон эркинлиги билан боғлиқ конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишларига тўсқинлик қилишни, диндан ғараз ва сиёсий мақсадларда фойдаланишни, диний адоват кўзғатишни, динлар ва конфессиялараро бағрикенгликка тажовуз қилишни, қонунчиликда белгиланган тартибга зид ҳолда диний билим беришни, диндан экстремистик ва террорчилик каби хатти-ҳаракатларни амалга оширишда ниқоб сифатида фойдаланишни тақиқловчи ва бундай хатти-ҳаракатларни содир этганлик учун жавобгарлик белгиловчи қоидалар мустаҳкам белгилаб қўйилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 7-моддасида қайд этилишича, “Конституцияда назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимияти ваколатларини ўзлаштириш, ҳокимият идоралари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳокимиятнинг янги ва мувозий таркибларини тузиш Конституцияга хилоф ҳисобланади ва қонунга биноан жавобгарликка тортишга асос бўлади”.

Инсон ўзининг кундалиқ ҳаётида ҳуқуқий хатти-ҳаракат ёки ҳаракатсизлик билан бир қаторда ҳуқуққа зид, ғайриқонуний ҳаракат ва ҳаракатсизликларни – ҳуқуқбузарликларни содир этади.

Юридик адабиётларда ҳуқуқбузарлик – бу шахс, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказувчи, ижтимоий хавфли, қонунга хилоф, жазога сазовар ҳаракат ёки ҳаракатсизликдир деган таъриф кенг тарқалган.

Виждон эркинлигига оид ҳуқуқбузарлик натижасида виждон эркинлиги билан боғлиқ қоидалар бузилади, ўрнатилган тартиб-интизомга путур етказилади, жамиятнинг ахлоқий қадриятлари, маънавияти, иқтисодий асослари, давлатнинг ички-ташқи сиёсати, амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий соҳалардаги ислоҳотлари ва бошқа шахсларнинг манфаатларига зарар этади, диндорларнинг ҳуқуқ ва эркинлиги ва диний ташкилотларнинг фаолияти поймол қилинади ёки чекланади.

Буларнинг ҳаммаси йиғилиб фуқароларнинг давлат томонидан виждон ва диний эътиқод эркинлиги соҳасида олиб борилаётган сиёсатига нисбатан норозилиги, салбий муносабатининг шаклланишига замин яратади. Оқибат натижада давлат билан диндорлар ва диний ташкилотлар ўртасидаги муносабат бузилади, зиддиятлар ва қарама-қаршиликлар келиб чиқади.

Бундай салбий оқибатларнинг олдини олиш учун ҳар бир давлат виждон эркинликлари билан боғлиқ муносабатларни аниқ ва қатъий ҳуқуқий тартибга солиш, ушбу тартибни бузганлик учун жавобгарлик белгилаш чораларини кўриши лозим бўлади.

Виждон эркинлиги билан боғлиқ ҳуқуқбузарликнинг объекти бирор динга эътиқод қилувчи ёки ҳеч бир динга эътиқод қилмайдиган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг айрим истиснолар билан республика ҳудудида истиқомат қиладиган

фуқаролиги бўлмаган шахслар ва хорижий давлатлар фуқароларининг ҳаёти, соғлиғи, мулки, шаъни, кадр-қиммати, обрӯи, жамиятнинг ахлоқий негизлари, жамоат тартиби, диний бағрикенглик, давлат хавфсизлиги, виждон эркинлиги билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи қоидалар талаблари, диний ташкилотларнинг қонуний манфаатлари кабилар бўлиши мумкин.

Виждон эркинлигига оид ҳуқуқбузарликлар субъектлари – ақли расо, 16 ёшга етган жисмоний шахслар (диндорлар, ҳеч бир динга эътиқод қилмайдиганлар), давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг раҳбарлари, айрим ҳолларда оддий ходимлари, диний ташкилотларнинг раҳбарлари ва масъул ходимлари, айрим ҳолларда оддий ходимлари бўлиши мумкин.

Ҳуқуқбузарликда ижтимоий хавфлилик даражасига қараб ҳуқуқбузарлик, шу жумладан виждон эркинлиги ва диний ташкилотларга оид ҳуқуқбузарлик икки гуруҳга бўлинади: **ножўя ҳатти-ҳаракат ва жиноят.**

а) **Ножўя ҳатти-ҳаракат** – бошқарув, мулкӣ, ижтисомӣ, молиявий, экологик ва бошқа муносабатларга тажовуз қилувчи, зарар етказувчи, ижтимоий хавфлилик даражаси жиноятникидан паст бўлган ҳуқуқбузарлик.

б) **Жиноят** – бу жиноят кодекси билан тақиқланган, айбли ва жиноий жазога сазовар ижтимоий хавфли ҳаракат ёки ҳаракатсизлик.

Ижтимоий хавфлилик деганда қонун билан қўриқланадиган объектларга зарар етказадиган ёки шундай зарар етказиш реал хавфини келтириб чиқарадиган қилмиш тушунилади.

Ижтимоий хавфлилик даражасига қараб жиноят ва ножўя ҳатти-ҳаракат биридан фарқ қилади.

Ножўя ҳатти-ҳаракат жамоат ва бошқарув тартибига, виждон эркинлиги қоидаларига, динлараро бағрикенглик ва тотувликка, диний ташкилотларни рўйхатдан ўтказиш тартибига, таълим тизимига, диний ташкилотларда ўрнатилган меҳнат интизомига тажовуз қилувчи, зарар етказувчи, ижтимоий хавфлилик даражаси жиноятдан паст бўлган ҳуқуқбузарликдир.

**Ножўя ҳатти-ҳаракатнинг қуйидаги турлари бор:**

а) **маъмурий ножўя ҳатти-ҳаракатлар** – бу давлат ёки жамоат тартибига, мулкка, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига, бошқарувнинг белгиланган тартибига қарши қаратилган ҳатти-ҳаракатлардир. Масалан: фуқароларнинг виждон эркинлиги ҳуқуқини бузиш, диний ташкилотни давлат рўйхатидан ўтказмаслик, диний ташкилот мулкни оз миқдорини ўғирлик йўли билан талон-тарож қилиш, махсус билимга эгалиги ҳақида дипломи бўлмасдан, диний идоранинг марказий органининг руҳсатисиз диний таълимотдан сабоқ бериш кабилардир.

б) **интизомий ҳатти-ҳаракатлар** – корхона, ташкилот, муассаса ички тартиб қоидаларини бузиш, хизмат интизомига риоя қилмаслик, хизмат вазифаларини бажармаслик, хизмат ваколатини суиистеъмол қилиш. Масалан: диний ташкилотда ёлланиб ишлайдиган ходимнинг меҳнат интизомини бузиши, диний ташкилот



рахбарининг ўз хизмат ваколатини суиистеъмол қилиши, хизмат вазифасини бажармаслик кабилар.

*в) фуқаролик-ҳуқуқий ножўя ҳатти-ҳаракатлар* – бу мулкый ва мулкый бўлмаган шахсий манфаатларга қарши қаратилган ҳатти-ҳаракатлар. Масалан: жисмоний шахсинг диний ташкилотга мулкый зарар етказиши, диний ташкилотларнинг бир-бирига шартномавий мажбуриятларини бажармаслик туфайли мулкый зарар етказиш, жисмоний шахслар томонидан диний ташкилотнинг обрўйини тўқувчи миш-мишларни тарқатиш кабилар.

*г) халқаро-ҳуқуқий ҳатти-ҳаракатлар* – халқаро ҳуқуқ нормаларига зид ҳаракат ёки ҳаракатсизликлар. Масалан: диний ташкилотнинг хорижий диний ташкилот ўртасидаги шартнома бўйича мажбуриятларини бажармаслиги.

Ўзбекистон Республикасининг Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликнинг қуйидаги турлари белгиланган:

**Фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик** бўйича диний ташкилотга мулкый зарар етказган шахс етказилган зарарни қоплаши (мулкни асл ҳолига келтириши ёки уни қийматини тўлаши) лозим. Мулкый жавобгарлик билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси нормалари билан тартибга солинади.

**Интизомий жавобгарлик** диний ташкилот ходимларининг меҳнати интизомини бузиши билан боғлиқ жавобгарлик. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 181-моддасига биноан меҳнат интизомини бузган ходим ҳайфсан ёки ўртача ойлик иш ҳақининг 30% дан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима ёки меҳнат шартномасини бекор қилиш ёки ойлик иш ҳақига берилган устамани олиб ташлаш билан жазоланади.

**Маъмурий жавобгарлик** виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этганлик натижасида келиб чиқадиган жавобгарлик. Ушбу ҳуқуқбузарлик ва жавобгарлик турлари Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида белгиланган.

**Жиноий жавобгарлик** жиноят кодекси билан тақиқланган, ижтимоий хавfli, гайриқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизликни содир этиш натижасида келиб чиқадиган жавобгарлик. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун қатор хатти-ҳаракатларни содир этиш жиноят эканлиги ва улар учун жазо турлари белгиланган.

Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар фаолияти билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик белгилашдан мақсад биринчи навбатда уларни жазолаш эмас, балки, аҳолининг барча қатламларининг ҳуқуқий саводхонликка эришишларини таъминлаш, мустаҳкам иродали, ўз ҳуқуқларини биладиган ва қонунларни ҳурмат қиладиган, ҳуқуқий билимларини кундалик ҳаётда қўллай оладиган, фаол фуқаролик позициясига эга бўлган ва ҳуқуқбузарликка нисбатан муросасиз муносабатда бўладиган фуқароларни тарбиялашдан иборатдир.